# XXIV вилоят партия конференциясига Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ҳисобот докладининг

# ТЕЗИСЛАРИ

1985 йил апрелида КПСС бошлаб берган қайта қуриш мамлакат ва жумҳуриятда туб ўзгаришлар қилиш ниҳоятда зарурлигини исбот қилди. Иқтисодий ва сиёсий ислоҳот, кўп миллатли совет жамиятини маънавий янгилаш ўзининг ҳал қилувчи босқичига кирди. Тарихий ривожланиш йўлини танлаш учун, чинакам демократия ва инсонпарварлик билан йўғрилган социализм учун кураш ҳаётнинг ҳамма соҳаларида давом этмоқда. «Бутун ҳокимият — Советларга!» деган ленинча шиор қайтадан тиклана бошланди ва аниқ мазмун касб этмоқда. Советлар ҳамма даражаларда давлат бошқаруви ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун масъулиятни тобора дадиллик билан ўз зиммаларига олмоқдалар. Партия органлари бевосита хўжалик ва фармойиш бериш вазифаларидан халос бўлиб, куч-ғайратларини ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишга, ташкилотчилик ва мафкура ишига, ижтимоий адолат принципларининг қарор топишига жамладилар.

Шу билан бирга иқтисодиётдаги, ижтимоий ва миллий муносабатлардаги, маънавий ҳаётдаги қайта ўзгаришлар сустлик билан бормоқда ва зиддиятли бўлмоқда.

Пулнинг қадрсизланиши, бюджет тақчиллиги ва бозорнинг номутаносиблиги мамлакат, шу билан бир қаторда жумҳурият ва Тошкент вилояти иқтисодиётини янгилаш жараёнларига таъсир қилмоқда.

1989 йил, айниқса, 1990 йил пойтахт вилоятдаги аҳволнинг ижтимоий яхшилиги тўғрисидаги қувончли тасаввурлар, ўзига хос афсонани пучга чиқарди. Тошкент вилояти ўз тараққиёти суръатлари бўйича ва аҳолининг ижтимоий неъматлар билан таъминланганлиги борасидаги кўпгина кўрсаткичлар бўйича бошқа саноат-аграр музофотлар даражаси у ёқда турсин, мавжуд нормативлардан ҳам анча орқада қолаётганлиги яққол кўриниб турибди. Халқ хўжалиги комплексининг кўпгина тармоқларидаги оғир молиявий аҳвол, хўжасизликнинг кучайиб бораётганлиги, тақчилликлар ортаётганлиги, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг пасайиши, яширин иқтисодиётнинг авж олганлиги, нуфус муаммоларининг кучайганлиги ва аҳолининг иш билан таъминланганлиги масалалари вазиятни жиддий равишда мураккаблаштирмоқда.

Вилоят меҳнаткашлари ижтимоий муҳитни беқарорлаштиришга интилиш пайдо бўлаётганлиги, безориларнинг экстремизм кўринишлари, миллатлараро муносабатлар соҳасида кескинликнинг кучаётганлиги, қонунни менсимаслик, жиноятчиликнинг ўсишидан тобора ташвишга тушмоқдалар.

Ҳозирги пайтда масала шундай бўлиб турибди: ёки биз янгидан қўлга киритилган демократик тажриба асосида нормал, самарали ишлаётган сиёсий ва иқтисодий тузилмалар сари олға борамиз ёки эски ҳаётга, эски тартибларга қараб орқага улоқтириб ташланамиз.

Ана шундан келиб чиқиб биз конференциямизнинг ўзига хослиги ва принципиал жиҳатдан фарқини шунда кўрамизки, бугунги кунда вилоят партия комитети фаолиятини нафақат муҳокама қилиш ва унга баҳо бериш зарур, балки мамлакатда ҳамда КПССда юз берган ниҳоятда мураккаб ва танг вазият юзасидан вилоят партия ташкилотининг аниқ позицияларини белгилаб олиш ҳам зарур. Binобарин бизнингча, конференцияда икки асосий йўналиш бўйича гап бориши ва баҳс юритилиши керак:

**биринчидан:** — мамлакатдагч ва КПССдаги ҳозирги вазият тўғрисида вилоят коммунистлари ва меҳнаткашларининг фикри, қайта қуриш жараёнларининг бутун комплексини давом эттириш тўғрисида ва партияни ислоҳ қилиш тўғрисида гапирганда биз қўяётган мақсадларга тезроқ эришиш воситалари ҳамда йўлларини биргалашиб излаш;

**иккинчидан:** — қайта қуришнинг ҳозирги босқичи, унинг яқин ва олис истиқболини ҳисобга олган ҳолда вилоят ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида вилоят партия ташкилотининг, унинг сайлаб қўйиладиган органларининг роли ва ўрни.

Жамият ҳаётида юз бераётган жараёнларни, иқтисодиётда, ижтимоий ва маънавий соҳада қайта қуришнинг зиддиятли давом этаётганлигини таҳлил қилиб, вилоят партия комитети мамлакат ва партиядаги ҳозирги вазиятни фожиали деб ҳисобламайди.

Шу билан бирга вилоят партия комитети мамлакатнинг турли музофотларида, шунингдек жумҳуриятимиз ва вилоятимизда кўпгина салбий воқеаларнинг олдини олиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада қайта қуришни бирмунча муваффақиятли амалга ошириш мумкин эди деб ҳисоблайди. Бироқ партия раҳбарлиги давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида чинакам инқилобий ўзгаришлар ташаббускори бўлиш билан бирга **партиянинг ўзини қайта қуриш, мамлакат ҳаётининг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг бурилиш босқичида партиянинг изчил стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш** кечирилмас даражада **кечикди.**

КПССнинг, унинг аппаратининг фаолияти зиддиятли ва беқарор бўлди. Тезда ҳал қилиниши керак бўлган кўпгина масалаларда сусткашлик қилинди. Бошқа масалалар бўйича эса ҳар томонлама чуқур ўйланмаган, шошилинч қарорлар қабул қилинди. Миллий сиёсат бўйича КПССнинг Ҳаракат дастури катта кечикиш билан қабул қилинганлиги бугун яққол билиниб турибди, сургун қилинган халқлар — қрим татарлари, месхети турклари, Волга бўйи немислари муаммолари юзасидан сиёсий қарорларнинг кечикиб кетганлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан шошма-шошарликда қабул қилинган ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тўғрисидаги Фармон катта иқтисодий зарар етказиш билан бирга, маънавий зиён ҳам келтирди. Агросаноат, давлат қабули бўйича ўтказилган тажрибалар, жадаллаштириш тўғрисидаги шиорлар туфайли бой берилган нарсаларни нима билан ўлчаш мумкин?

Ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда тайёрланаётган КПССнинг XXVIII съезди нафақат партия ва бутун мамлакатимиз учун, шу билан бирга жаҳон коммунистик ҳаракатининг бундан буёнги тақдири учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу съездга биз иккита муҳим программавий ҳужжат — «Инсонпарвар, демократик социализм сари» КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури ва янги КПСС Устави лойиҳаларига эга бўлган ҳолда бормоқдамиз. Бу ҳужжатларда КПССнинг принципиал сиёсий йўли, партиянинг, шунингдек, бутун совет жамиятининг ривожланиш истиқболини партия қандай кўраётганлиги баён қилиб берилган.

Шаҳар ва ноҳия партия конференциялари партиянинг бу ҳужжатларидаги бир қанча қоидаларни танқид қилганлигига қарамай, уларда бу лойиҳалар умуман партиянинг ва бутун кўп миллатли жамиятимизнинг манфаатларига жавоб бериши таъкидланди.

Ана шундан келиб чиқиб, биз Ҳаракат дастури ва Устав лойиҳаларини бир қатор принципиал тузатишлар ва қўшимчаларни ўзига олиши керак бўлган ҳужжатлар асоси сифатида баҳолаймиз. Бизнингча, бу ҳужжатларда партиянинг синфий характери унинг фаолиятининг пировард мақсадлари, КПСС ва иттифоқдош жумҳуриятлар Компартияларининг мамлакат ва жумҳуриятлар ҳаётида раҳнамолик позициялари учун курашиши ва уни сақлаб қолишга интилиши ўзининг бирмунча аниқ ифодасини топиши керак. Янги Устав партия фаолиятини, айниқса ташкилий-ғоявий бирлик, партия интизоми, партиядаги ва унинг бошланғич ташкилотларидаги ишнинг аҳволи учун ҳар бир коммунистнинг роли ва масъулиятини ошириш билан боғлиқ ҳолда ички партиявий демократияни ривожлантириш масалаларида ленинча принципларни сақлаб қолиши ва ҳозирги вазиятни ҳисобга олган ҳолда ижобий бойитиши керак. Биз демократик централизм принципи унинг икки таркибий қисми оқилона қўшиб олиб борилган ҳолда сақланиши тарафдоримиз. Унинг биринчи қисми — демократизмни кучайтириш партия Уставига партия аъзолари ўртасидаги муносабатларга бағишланган қўшимча бўлимни киритиш имконини беради. Бу бўлимни «Партиявий биродарлик тўғрисида» деб аташ мумкин бўлур эди.

Вилоят партия ташкилотининг принципиал позицияси, унинг партиядаги ҳозирги вазиятга берган баҳоси конференция делегатларига тақдим қилинган «КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисида» ва «КПСС Уставининг янги лойиҳаси тўғрисида»ги иккита резолюцияда баён қилинган. Бизнингча, конференция делегатлари муҳокама қилиб, унга ўзгаришлар, қўшимчалар ва мулоҳазалар киритгандан сўнг уларни биз Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ва КПССнинг XXVIII съездига топширишимиз мумкин, деб ўйлаймиз.

Иқтисодиёт қайта қуришнинг марказий масаласи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, иқтисодиёт жамиятимиз ҳаётининг ҳамма томонларини тубдан янгилаш учун моддий асос яратади. Бу соҳада кўп нарсаларни ҳал қилишга муваффақ бўлинди, бироқ ундан ҳам кўп масалалар ҳал қилиниш босқичида турибди, уларни айтиш мумкинки, биз ҳозирча барбод қилаётирмиз.

Гарчи биз иш ташлашлар, стачкалар, ультиматумлар билан тўқнаш келмаган бўлсакда, Бўка ва Паркентда юз берган ижтимоий ларзалар кўп нарсадан огоҳ қилаётир. Ҳамма ерда бўлгани каби партиянинг ва партия комитетларининг, улар аппаратининг обрўси халқ кўзи олдида хиралашиб қолди. Партияга ва унинг сиёсатига ҳужум қилиш билан бирга сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олишни истаётган муайян кучлар ана шундан фойдаланиб қолдилар.

Иқтисодий ислоҳотнинг мураккаб зиддиятли жараёнлари ўз тараққиётининг амалда қийин босқичига кирди. Бу вилоятимиз иқтисодиётида яққол намоён бўлмоқда, у мамлакатдаги умумий ҳолатнинг кучли таъсирини ҳис қилмоқда.

Вилоятдаги жиноятларнинг 70 фоизидан ортиғи хизматга сид-таъмагирлик, ғаразгўйлик хусусиятига эга. 1989 йилнинг ўзида камомадлар ва талон-торожлардан келган зарар 15 миллион сўмни ташкил этди. Вилоят халқ хўжалигида пахта етиштиришга зўр берилганлиги аҳолини озиқ-овқатлар, буюмлар, хизматлар билан таъминлашга ниҳоятда салбий таъсир кўрсатмоқда. Капитал сарфлардаги камчилик шунга олиб келдики, қишлоқда бизда 680 та мактаб, маданият муассасалари, кутубхоналар, кино ускуналари, тиббий муассасалар етишмаяпти. «2000-йил уй-жойи» программасини бажариш учун 16,5 миллион квадрат метр иморат қуриш керак. Шунга қарамай турар-жойларни, касалхоналар, поликлиникалар, ҳунар-техника билим юртлари, мактабгача болалар муассасалари, маданият ўчоқларини фойдаланишга топшириш режалари барбод қилинмоқда. Нормативлар бўйича вилоятни тўлиқ таъминлаш учун 11,5 минг ўринли шифохоналар, кунига 21 минг киши қатнайдиган амбулатория муассасалари қурилиши лозим.

Ўтган йили ноишлаб чиқариш вазифасини бажарувчи объектларда 96 миллион сўм маблағдан фойдаланмай қолинди. Капитал қурилиши — ижтимоий муаммоларни ҳал этишда асосий тўсиқлардан биридир.

Бир томондан одамларнинг маънавий ва ижтимоий эркинликка эришганлиги ва иккинчи томондан реал ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви аҳолининг анчагина қисмида ишонч йўқолишига олиб келди. Одамлар эртанги кунга ишончсизлик ҳиссини туймоқдалар. Уларни кўчадаги, меҳнат жамоасидаги, жамиятдаги вазиятнинг беқарорлиги чўчитмоқда. Ижтимоий ҳимояланмаганлик, мишмишлар, ғийбатлар, шов-шувларни вужудга келтирмоқда. Бундай руҳий вазиятда халққа таклиф қилинаётган ижобий программалар ҳам яхши қабул қилинмаяпти. Бу ҳол ҳокимият органларига нисбатан ишончсизликни кучайтирмоқда, меҳнат ва ижтимоий интизомнинг пасайишига олиб келмоқда. Қайта қуриш жараёнларининг чўзилиб кетаётганлиги шароитида жазоланмай қолиш кайфияти кучаймоқда ва айни вақтда эндигина туғилаётган демократия ва ошкораликни сўндириб қўйишдек сохта қўрқув туфайли давлат ва партия органлари қатъий ҳаракат қилишдан чўчий бошладилар. Бу айрим норасмий ҳаракатлар ва уларнинг етакчиларига демократиянинг ўсиши касалликларидан фойдаланиб қолиш, қайта қуриш ташаббускорларига ҳужум қилиш имконини берди. Гарчи бизнинг вилоятда рўйхатдан ўтган партиялар ва ҳаракатлар йўқ бўлса-да, у ё бу даражада уюшган қайта қуриш мухолифлари бор.

Кейинги йилларда сиёсий ишдаги бизнинг хатоларимиз нимада?

Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бизда, вилоят партия комитети котибларида, шаҳар ва ноҳия партия комитетлари котибларида топширилган иш учун масъулият ҳисси пасайди. Бошқалар ҳам биздан намуна олишмоқда. Вилоятда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳволни барқарорлаштириш юзасидан биз қанчадан-қанча яхши қарорлар қабул қилдик. Бу қарорлардан сўнг аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда, уй-жой қурилишида, жиноятчиликка қарши курашда, алкоголизм ва чайқовчиликка қарши курашда аҳвол яхшиландими? Шаҳарларда ҳаво мусаффороқ бўлдими ва далалардан олинаётган ҳосил кўпайдими?

Биз уюша олмадик ва жойларда коммунистларни қабул қилинган ишга оид, яхши қарорларни бажаришга уюштира олмадик.

Улардан айримларини эслатиб ўтаман.

Аввало «Жадаллаштириш-90» программасини амалга ошириш тўғрисида. Маълумки, бизда ишлаб чиқариш ҳажмлари, айниқса, халқ истеъмоли буюмларининг ўсиши секинлашуви одат тусига кириб қолди. Маълум даражада биз уни барқарорлаштирдик. Бироқ бу соҳада жиддий сакрашни таъминлашнинг уддасидан чиқмадик. Иқтисодий ислоҳот, хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини бошқариш шароитида аҳолининг пул даромадлари доимий равишда илдам ўсиб бормоқда ва эҳтиёж қондирилмаётир. Вилоятда меҳнат унумдорлиги паст бўлган, ишчи вақти кўплаб йўқотилаётган, хом ашё ва материаллар иқтисод қилинмаётган, маҳсулотлар етказиб бериш барбод қилинаётган меҳнат жамоалари ҳали ҳам кўп.

Ускуналар иш билан қониқарли таъминланмаганлиги, хўжалик ҳисобига, айниқса, иккинчи моделга тезроқ ўтиш тўғрисида биз йилдан-йилга, конференциядан-конференциягача фақат гапирамиз холос.

Шуни айтиш кифояки, ҳатто Тошкентдек йирик саноат марказида хўжалик юритишнинг иккинчи моделида ҳозир 177 та саноат корхонасининг атиги 8 таси ишламоқда.

Тангликдан чиқишнинг бошқа йўли — хўжалик юритишнинг ижара шаклидир. Олмалиқдаги яхна ичимликлар заводининг иш тажрибаси изидан борувчилар бўлмади. «Средазэлектроаппарат» «Ангрен» кўмир разрези, «Электрохимпром», Олмалиқ уйсозлик комбинати ва бошқа бир қанча йирик саноат корхоналари ўтган вилоят ҳисобот-сайлов партия конференцияси қарорларини қачон тўлиқ бажарадилар? Вилоят халқ хўжалиги комплексининг ҳақиқий байроқдорларига қачон айланадилар?

Иқтисодий ислоҳот муваффақиятини белгиловчи қатор омиллар орасида илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш энг муҳим аҳамиятга эга. Вилоятда тармоқлараро илмий-ишлаб чиқариш комплекслари, хўжалик ҳисобидаги жамоалар ва ёшларнинг илмий-техника ижодиёти марказлари ишлаб турибди, улар куч-ғайрати фан ва техника тараққиётининг устун йўналишларига жамланган. Бироқ улардан ҳозирча жиддий фойда бўлмаяпти. Гап шундаки, илмий ташкилотлар хўжалик ҳисоби муносабатлари системасига журъатсизлик билан киришмоқдалар. Улар билан ишлаб чиқариш ўртасида эпчил иқтисодий алоқалар йўқ. Бу партия комитетлари ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашларнинг фаолиятсизлиги оқибатидир. Музофот манфаатларини кўзлаб вилоят партия комитетининг қарори билан ташкил қилинган Тошкент илмий маркази ҳам олдида турган вазифаларни бажармаяпти. Фан-техника тараққиётини меҳнат коллективларининг нормал ҳаёт фаолиятининг ажралмас шарт-шароитига айлантириш — партия комитетларининг жиддий сиёсий вазифасидир.

Ҳозирги вақтда вилоятда 46 мингдан ортиқ киши ижтимоий ишлаб чиқаришда банд эмаслиги бизни ташвишлантирмоқда. Пахтакор ноҳияларда 4—5 ой қаттиқ ишлашни ҳисобга олмаганда аҳолининг тўлиқ меҳнат билан банд эмаслигини бунга қўшадиган бўлсак, аҳолининг катта қисми, айниқса, ёшлар ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилинмаганлиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

Вилоятнинг партия, совет органларига келаётган хат ва шикоятлар ижаравий жамоалар тузишда кўпол маъмуриятчилик қилинаётганлиги, шартномалар тузиш пайтида қоғозбозлик, ўзаро ҳисоб-китоблар пайтида таъмагирлик ҳоллари борлигидан далолат бермоқда.

Партия комитетлари ана шу жойларда ўзларининг аниқ позициясини эгаллашлари керак!

Ҳисобот даврида вилоят агросаноат комплексини янада ривожлантиришнинг муайян чоралари кўрилди. Ҳозир унинг маҳсулоти таннархи миллиард сўмдан ошади. Гўшт, сут, тухум етиштириш, мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка ва дон тайёрлаш аста-секин кўпайиб бормоқда. Пахта тайёрлаш режаси ишончли бажарилаётир. Бироқ аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ҳозирча тўлиқ қондирилмаяпти. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришнинг асосий кўрсаткичлари, картошка, гўшт, сут бўйича аҳоли жон бошига етиштирилаётган маҳсулотлар ўсмаётганлигидан хотиржам бўлишимиз мумкинми? Бу кўрсаткичлар шунда ҳам ўртача иттифоқ даражасидан анча паст-ку? Сизларда статистика маълумотлари бор, уларни таққослаб кўринг. Биз бу қолоқликдан қандай чиқиб олишимиз керак.

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорлари асосида вилоят партия комитети бу муаммоларни ҳал этиш тадбирларини белгилаган эди.

Бироқ вилоят партия комитети, унинг аграр комиссияси коммунистларни белгиланган программанинг асосий йўналишларини амалга оширишга сафарбар эта олмадилар. Бу йўналишларда техника экинлари майдонини қисқартириш ва бўшаган ерларни озиқ-овқат экинлари ва озуқа етиштиришга ажратиш назарда тутилган эди. Пахта экадиган хўжаликларнинг кўпгина раҳбарлари эса бу вазифанинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятига етарли баҳо бермадилар, пахтани планга қўшимча экилишига йўл қўйдилар. Бу билан сабзавот, картошка ва озуқа етиштириш ҳажмларини бажармадилар. Бу йил ҳам худди шунга ўхшаш аҳвол давом этмоқда.

Агросаноат комплексининг маҳаллий маҳсулотига, иқтисодий масъулият механизмига маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва унинг истеъмолчиларининг ўзаро боғлиқ баҳолар системасини яратиш масаласини ҳал этиш асоссиз равишда чўзилиб кетди.

Агросаноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ҳамон қолдиқ принципи бўйича амалга оширилмоқда, агросаноат комплексининг эҳтиёжларини давлат 1990 йилда кўпгина муҳим соҳалар бўйича 50—70 фоиз қондирмоқда.

Хўжаликларнинг ҳозирги иқтисодий аҳволида катта бюджет сарфларисиз қишлоқдаги кўпгина ижтимоий муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Бироқ бу мақсадларга бюджетдан маблағ ажратиш кейинги йилларда ниҳоятда камайиб кетди. Биз КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, мамлакат ва жумҳурият ҳукумати КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини амалга оширишни оғизда эмас, балки амалда агросаноат комплексига ҳақиқий устунлик бериш учун амалий қадамлар қўйишлари керак, деб ҳисоблаймиз.

Озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда хўжалик юритишнинг янги шаклларини ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Вилоятда пудрат, ижара ва ижаравий муносабатларнинг турли шаклларини жорий этиш борасида муайян тажриба тўпланган. Бу тажриба ҳар бир меҳнат жамоаси хўжалик юритиш шаклини ўзи танлаб олиши кераклигидан далолат бермоқда.

Тошкент ноҳиясидаги Карл Маркс номли, Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжаликларида оилавий пудрат ва ижарачиларнинг кооперативлари яхши йўлга қўйилди. Ғалаба ноҳиясидаги Калинин номли совхоз, Оҳангарон ноҳиясидаги «Ғаллақудуқ» саноат комплекси, Калинин ноҳиясидаги «Қорасув» совхози партия ташкилотлари қишлоқда қайта қуриш жараёнига муваффақиятли бошчилик қилмоқдалар.

Шу билан бирга биз шундай фактларга ҳам эгамизки, меҳнат жамоаларида хўжалик юритишнинг у ё бу хил шаклларини ўйламай мажбуран жорий қилдириш салбий оқибатларга олиб келмоқда. Оҳангарон ноҳияси раҳбарлари ташаббуси билан ҳамма хўжаликларда меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг пудрат, ижара шакллари шошма-шошарлик билан жорий қилинди. Бироқ мўлжалланган натижага эришиб бўлмади. Аксинча деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш пасайиб кетди, иқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашди. Ноҳия партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қишлоқ меҳнаткашларининг истакларини ҳисобга олмай хўжалик юритишнинг янги шаклларини меҳнат жамоаларига мажбуран тавсия этган бошқа ноҳияларда ҳам худди шунга ўхшаш натижалар кузатилмоқда. Янги ишлаб чиқариш муносабатларини жорий қилишга юзаки муносабатда бўлинди.

Кейинги вақтда вилоят ва Тошкент шаҳри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари таркибини мустаҳкамлаш юзасидан муайян иш олиб борилмоқда. Шу йил бошидан буён шаҳар, ноҳия ички ишларининг 11 бошлиғи, 5 нафар шаҳар, ноҳия прокурорлари алмаштирилди, шаҳар ва ноҳия халқ судларининг 6 нафар раиси қайта сайланди.

Тошкент вилоят ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Р. Р. Саитбоев вазифасидан озод қилинди, Тошкент шаҳар судининг раиси ўртоқ Қ. Н. Носиров алмаштирилди. Бошқа кадр ўзгаришлари ҳам назарда тутилмоқда.

Бироқ ҳозироқ шу нарса равшанки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари таркибида фақат кадрларни ўзгартириш билан ишни тубдан ўзгартириб бўлмайди. Ҳуқуқ муҳофазаси органларининг ҳар қайси ходими билан изчил иш олиб бориш керак, кадрлар танлаш масалаларига янгича ёндашиш лозим.

Умуман кадрлар сиёсатини янгиламай партия аппарати ишини қайта қуриб бўлмайди. Кейинги йилларда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт шу билан характерланадики, бу ишда бир қатор катта хатолик ва чалкашликларга йўл қўйилди. Буни лоақал шу факт ҳам кўрсатиб турибдики, биргина Тошкент вилоятида 1984—1988 йилларда 25 раҳбар асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилди. Улар партияга тикландилар, уларга 120 минг сўм миқдорида етказилган моддий зарар қайтарилди. Уларга ва оила аъзоларига етказилган маънавий, сиёсий зарарни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Бундан буён кадрлар ишида бу хилдаги хатоликларга йўл қўймаслик учун биз бир қатор янгиликлар қўлладик. Раҳбарларни сайлаб қўйиш, партия йиғилишлари, меҳнат жамоаларида раҳбар кадрларни танлаш йўли билан номзодларини ошкора, очиқ муҳокама қилиш кенг тарқалди. Икки ва ундан ортиқ номзоддан сайланган бошланғич, цех партия ташкилотлари котиблари, партия группа ташкилотчилари сони ортиб бормоқда. Кадрлар корпуси ташаббускор, партиясиз ходимлар ҳисобига тўлдирилмоқда.

Олдимизда турган вазифалар омма орасида ғоявий-тарбиявий ишнинг ролини, айниқса, кучайтирмоқда. Шуни айтиш керакки, унинг моҳияти қайта қуриш сиёсатидан келиб чиқади. КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасида ҳам энг заиф жой — қайта қуриш тактикаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, унинг яқин мақсадларини белгилаб берувчи сиёсат ва мафкура ўртасидаги боғлиқликнинг йўқлигидир. Кейинги пайтдаги мафкуравий мўлжаллар кўп жиҳатдан қуруқ оғизда гап бўлиб қолмоқда. Улар ички сиёсатга эмас, балки асосан ташқи сиёсатга хизмат қилмоқда. Бизга тамомила янгича мафкура керак. У сиёсатни — биз қаёққа бораётганлигимиз, нимага эришаётганлигимизни белгилаб бериши лозим. Сиёсий фикрлар хилма-хиллиги, ижтимоий ташкилотларнинг турли-туманлиги шароитида партия ташкилотлари пухта текширилган йўлни амалга оширишлари лозим. Бу маънода илмий-техникавий, олий ўқув юртлари ва ижодкор зиёлиларнинг улкан ижтимоий гуруҳига эга бўлган пойтахт вилояти партия — зиёлилар, партия—ёшлар ўртасидаги пухта боғлиқликка муҳтождир. Кейинги ўн йилликлардаги илмий-техникавий фикрнинг ночорлиги ижтимоий турмуш, моддий ва маънавий соҳаларининг инқирози, кўпларнинг ўзи билан ўралашиб қолиб, жамият манфаатларидан четга чиқиб қолиши бизнингча айни зиёлилар орасида равшан партиявий сиёсатнинг йўқлиги оқибатидир. Шунинг учун биз бу муаммони алоҳида, ўзига хос тарзда муҳокама қилишимиз лозим.

Биз мафкуранинг партиявийлигини унутмаслигимиз керак. Мафкурани қотиб қолган фикрлардан, ҳаммага аён бўлган ҳақиқатлардан халос этиб, қайта қуриш босиб ўтиши мумкин бўлмаган маррани яққол кўрсатиб бермоқда.

Агар биз бирон-бир одамга асосий мўлжалларимиз ва қадриятларимизда ён берсак ўзлигимизни йўқотган бўламиз. Партия уларни қисқа қилиб лўндагина қуйидаги сўзлар билан ифодалайди: **Ленин, Октябрь, Социализм.** Худди ана шу жойда баҳслар қизигандан қизиб кетган. Чунки булар шундай бўғинларки, агар улар бузилса, бутун занжирни бузиб юбориш мумкин. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Бугунги кунда ленинизм биз учун нимаси билан қадрли?

Аввало социализмга инсонпарварлик нуқтаи назаридан қараш билан, янги жамиятни инсонга томон буриш билан, мулкнинг хилма-хил формаларини, товар-пул муносабатлари, кооперацияни ривожлантиришни назарда тутувчи социалистик иқтисодиётга ленинча қараш билан. Ҳозирги сиёсат марказида ленинча демократия ғояси, ҳуқуқий давлатни тузиш, социалистик давлатчилик асоси сифатида Советларнинг тўла ҳокимиятини таъминлаш ётади.

Қайта қуриш шароитида мафкура ишининг тажрибаси бир қатор муаммоларни ўртага қўйди. Фикрлар хилма-хиллиги ва норасмийлар ҳаракатига оператив равишда муносабат билдириш ҳам шулар жумласидандир. Штатларнинг қисқариши, кадрлар олдида турган вазифаларнинг ўзгариши, уларни қайта тайёрлаш, қайта мўлжал олдириш, хабардор қилиш масалаларини ўртага қўймоқда. Давлат ва диннинг ўзаро муносабатларида ленинча принципларни тиклаш ва мафкура иши вазифалари олдимизда турибди. Халқ анъаналари (масалан, Наврўз)ни тиклаш ва ёшлар тарбияси, маънавий маданиятнинг давомийлиги масалалари ҳам бор. Янгича шароитда ғоявий ишнинг янги вазифаларини, унинг йўналишларини белгилаб бериш талаб қилинади.

Шиорбозлик, ваъдалар беришнинг эски қолипларидан биз узоқлашяпмиз, лекин қайта қуриш бераётган ваъдалар рўёбга чиқмаяпти. Шунинг учун бизнинг мафкурачиларимиз омма олдида бўш келмоқдалар, зотан уларнинг даъволари ва эътирозларини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Академия фани диссертациялар учун ишламоқда, қайта қуришнинг аниқ, умумлаштирувчи тажрибасини, ҳатто у салбий тажриба бўлса ҳам ғоявий иш амалиётчиларига тавсия тариқасида тайёрлаб бермаяпти. Лекин барибир байналмилал тарбия юзасидан иш услуб ва мазмунини, миллатлараро муносабатлар маданиятини шакллантиришни тубдан ўзгартириш зарур.

Жамият барча қатламларининг қайта қуриш тафаккурини қарор топтириш ва ривожлантиришда матбуот, радио ва телевидениенинг роли бениҳоя катта. Очиғини айтганда қайта қуриш оммавий ахборот воситаларидан бошланди. Улар ижтимоий онгни уйғотди, қотиб қолган фикрлар ва консерватизм қўрғонларини вайрон қилди. Айни вақтда ошкоралик қуроли бўлган матбуот асосий жавобгар бўлиб, қаттиқ танқид остида турибди. Ҳозир ҳам матбуотни жиловлашга тайёр турган кадрлар бор. Бунинг сабаби нимада? Чамаси айрим матбуот органлари аслида тор группавий манфаатларни ҳимоя қилмоқдалар. Олимлар ва публицистларнинг айримлари матбуот орқали ҳақиқатга якка эга бўлиб олиш учун тобора сезиларли равишда уринмоқдалар. Айрим нашрлар ижтимоий фикр минбаридан журналистнинг ўз фикрини ифодалаши минбарига айлантириб юборилмоқда. Вилоят матбуоти саҳифаларида ишчилар синфи, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг матбуотга, микрофон ва телекамераларга яқинлашолмайдиган қисмининг овози базўр эшитилмоқда. Турли мустақил ҳаракатлар матбуоти пайдо бўлди. Улар баъзан очиқдан-очиқ душманчилик, антисоциалистик позицияларни эгалламоқдалар, биз эса уларни билмаймиз, уларга етарли баҳо бермаяпмиз.

Шунинг учун ҳозир оммавий ахборот воситаларидаги у ё бу нуқсонлар хусусида гапиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Жамоатчилик фикрини мақсадга қаратилган тарзда шакллантириш, қайта қуриш принципларини ҳимоя қилиш йўлида улардан самарали фойдаланиш лозим.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳозир ҳам асосан мафкуравий бўлимларнинг ходимлари «одамлар орасига» кирмоқдалар. Аппаратнинг бошқа бўлинмалари ҳамон маълумотлар, фоизлар, маҳсулот етказиб бериш фактлари билан машғул. Ваҳоланки, ҳаёт ҳар бир партия ходими, у қайси соҳа учун жавоб бермасин, биринчи навбатда сиёсий ходим бўлиши кераклигини тақозо этмоқда.

Бугунги кунда бизнинг ҳаммамиз учун энг муҳими — партия комитетларининг янги тузилиши билан муносабатни тезроқ белгилаб олиш, ишчи комиссиялари тузиш, сайлаб қўйиладиган органлар ва аппаратнинг ўзаро муносабатларини қайта қуриш, партия ишининг бутун таркибини сиёсийлаштиришдан иборат.

Куннинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда партия кадрлари ва фаолларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан янада самаралироқ, аниқ шуғулланиш керак.

Вилоятдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни яхшироқ ва ўз вақтида таҳлил қилиш, воқеаларни олдиндан айтиб бериш, сиёсий ишни олиб боришда партия комитетлари ишини ўз вақтида мувофиқлаштириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш зарур.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш, бошланғич партия ташкилотлари, котиблар кенгашлари, комиссияларнинг таклифлари ва ташаббусларини умумлаштириш ҳамда уларни зарур бўлган пайтда вилоят партия комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва КПСС Марказий Комитети муҳокамасига қўйиш лозим.

Вилоят партия ташкилоти янгилана бориб ва ўзини қайта қура бориб, вилоят тараққиётида, меҳнаткашларнинг ҳаёти ва фаолиятида ижобий омил берувчи энг таъсирли сиёсий куч бўлиб қолиши энг муҳим вазифалардан биридир.

Биз жумҳурият партия ташкилотининг чорагидан ортиқроғини ташкил қилишимизни ва сифат жиҳатдан катта куч ҳисобланишимизни ҳисобга олганда бизнинг муваффақиятимиз, бизнинг янгиланишимиз бутун жумҳурият партия ташкилоти муваффақияти ва янгиланишининг асоси бўлиб қолади. Конференциянинг жонли, ўз-ўзини танқид асосидаги иши, у қабул қиладиган қарорлар, конференция тузадиган органлар кечикмасдан, иккиланмасдан қайта қуриш йўлида хизмат қила бошлашига шубҳа йўқ.

Маънавий тангликни бартараф этиш, одамларнинг яратувчилик кучи ва кайфиятини кўтариш, ижтимоий муҳитни барқарорлаштириш, ғоявий ва маънавий кўтарилишни амалга ошириш — партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, вилоят барча коммунистларининг муқаддас бурчидир.

Мамлакатимиз, халқимиз тарихида бир неча бор бўлганидек, ленинча партия вазифалар юксаклигига кўтарила олади. У ўтмиш хатолари ва сабоқларини бартараф этиб, демократик йўл билан халқ етакчиси бўлиб қайта туғилади. Тараққиёт сари, инсонпарвар, демократик социализм сари бориладиган йўлни ёритиб, ўзининг тарихий вазифасини шараф билан бажаради.

